

УДК:91(575.141)

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ ТАБИЙ ВА МЕХАНИК ЎСИШИ.

*Кадиров Муродилло Асламович, г.ф.н., доцент, Турон ФА фахрий академиги,*

*Самарқанд давлат университети*

*Мўминжоновна Садоқат., СамДУ География ва экология факультети 2-курс*

*магистранти*

*Ражабова Нигора., СамДУ География ва экология факультети 1-курс*

*магистранти*

**Аннотация:** Мақолада Самарқанд вилояти аҳолисининг туғилиши, ўлими ва табиий ўсиши 1979, 1989, 1994, 2020 йиллар маълумоти асосида шаҳар аҳоли пунктлари ҳамда қишлоқ туманлари бўйича алоҳида кўриб чиқилган. Шунингдек, вилоят аҳолисининг механик ҳаракати ҳам ўрганилган, таҳлиллар ва хулосалар келтирилган

**Калит сўзлар:** туғилиш, ўлим даражаси, табиий ўсиш, табиий ҳаракат, механик ҳаракат, механик ўсиш, миграция сальдоси, шаҳар аҳоли пунктлари, қишлоқ туманлари

## ЕСТЕСТВЕННЫЙ И МЕХАНИЧЕСКИЙ ПРИРОСТ НАСЕЛЕНИЯ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

**Аннотация:** В статье рассматриваются рождаемость, уровень смертности и естественный прирост населения Самаркандской области по сведениям 1979, 1989, 1994, 2020 гг. В тоже время, изучается механическое движение населения, анализируются и приводятся выводы.

**Ключевые слова:** рождаемость, уровень смертности, естественное движение, механическое движение, механический прирост, сальдо миграции, городской населенный пункт, сельские районы.

## NATURAL AND MECHANICAL POPULATION GROWTH IN SAMARKAND REGION

**Annotation:** The article discusses the birth rate, mortality rate and natural increase in the population of the Samarkand region according to the data of 1979, 1989, 1994, 2020. At the same time, the mechanical movement of the population is studied, analyzed and conclusions are given.

**Key words:** birth rate, mortality rate, natural movement, mechanical movement, mechanical increase, migration balance, urban settlement, rural areas.

## **Кириш**

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳудудлардаги демографик ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамиятга эга. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини географик жиҳатдан ўрганиш, уни табиий ва механик ҳаракатини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланиб, бу ҳаракатлар ҳар бир мамлакатнинг аҳоли сонини ўзгариб боришига ҳамда келажак истиқболларини белгилаб беришга бевосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, **аҳолининг табиий ҳаракати – туғилиш, ўлим ва авлодлар алмашинуви натижасидир.** Аҳолининг табиий ва механик ҳаракатига кўп омилларнинг таъсири юқори. Айниқса, ҳар бир мамлакатда ҳукмрон бўлган ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариб бориши мамлакатдаги демографик вазиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, туғилиш ва ўлим нисбати табиий ўсишга, аҳолининг турмуш тарзи, эрта никоҳга кириш, аёлларнинг ишсизлиги, уларнинг ижтимоий меҳнат билан кам шуғулланиши, тиббий хизматнинг пастлиги, миллий урф-одатлар, эркакларнинг спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиши, бахтсиз ҳодисалар, турли хил касалликлар ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқдир [6].

## **Асосий қисм.**

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий-иқтисодий вазият тубдан ўзгарди. Жумладан, Самарқанд вилоятида ўрганилаётган ҳудудда ҳам баъзи ўзгаришлар кўзга ташланади. Айниқса вилоятдаги демографик вазият ўзига хос бўлиб, у республиканинг бошқа вилоятлари

орасида аҳолисининг табиий ўсиши жихатдан етакчи ўринда туради. Ўзбекистондаги вилоятлар ичида Самарқанд вилояти 1998 йилдан ҳозирги кунга қадар аҳоли сони жихатдан энг юқори бўлиб, жумладан 2020 йил маълумотига кўра вилоятда 3892,5 минг киши истиқомат қилади, шундан 1442,7 минг киши ёки 37.1 % шаҳар аҳолиси ҳисобланади.

Аҳолининг умумий сони жихатидан кейинги ўринларни Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари эгаллайди. Вилоят аҳолисининг тез суръатлар билан ўсиши, аввало табиий ўсишнинг юқорилиги билан боғлиқдир. Минтақадаги туғилиш коэффициентининг юқорилиги ва нисбатан ўлим даражасининг пастлиги аҳоли сонининг тез ўсишини таъминлайди. Кузатишлар шундан далолат берадики, вилоятда 1992 йилдан бошлаб аҳоли сони доимий ўсиб борган, лекин бу кўрсаткич 2001 йилдан бошлаб сезиларли даражада пасая бошлаган. Бунга асосий сабаб туғилишнинг пасайиши билан изоҳланади.

Шу ўринда бевосита статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1991 йилда вилоятда 84 минг бола туғилган, 1992 йилда 85 минг,



пунктларининг функционал типлари, аҳолининг меҳнат таркиби ва бошқа бир қанча омиллар билан боғлиқ. Самарқанд шаҳрида вилоятнинг бошқа шаҳарларига нисбатан табиий ўсиши пастроқ бўлиб, Каттақўрғон шаҳрида ўртача, кичик шаҳарчаларда эса юқорирокдир. Шу билан бирга аҳолининг умумий сонида ҳам худди шундай кўрсаткичлар кузатилади.

Вилоятда аҳолининг табиий ўсиши 1994 йил маълумотларига кўра 29 % ни, 2020 йилда эса, 20,0 % ни ташкил этади. Вилоят шаҳарлари аҳолисининг табиий ўсишини 3 даражага: паст – 15 % гача, ўртача – 15%о дан 20 % гача ва юқори – 20 % дан 37 % гача гуруҳларига бўлиш мумкин. Шаҳарлар ичида аҳоли ўсишининг паст гуруҳига Самарқанд, Оқтош, Нуробод ва Челак шаҳарлари киради. Бу ерда шаҳарлар аҳолисининг 70 % дан кўп қисми яшайди. Табиий ўсишнинг ўрта даражасига Жума, Булунғур, Иштихон, Каттақўрғон шаҳарлари кириб, вилоят шаҳарлари аҳолисининг қарийиб 150 минг кишиси бу шаҳарларда истиқомат қилади. Табиий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари билан Пайариқ, Ургут ва Жомбой шаҳарлари ажралиб туради. Вилоят шаҳарлари орасида табиий ўсишнинг энг юқори кўрсаткичи бўйича Пайариқ шаҳри 37,1 % билан етакчилик қилади. Энг паст табиий ўсиш эса Самарқанд шаҳрида тўғри келади. Бу ерда табиий ўсиш кўрсаткичи ўртача 13,3 % га тенг.

Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолиси табиий ўсишни гуруҳларга бўлиб ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ аҳолисининг 42,6 % да табиий ўсиш юқори бўлиб, бу гуруҳда Ургут, Пастдарғом, Пайариқ ва бошқа туманлар киради [10].

Табиий ўсишнинг паст кўрсаткичлари вилоятдаги энг йирик Самарқанд шаҳри ва Каттақўрғон шаҳри атрофидаги қишлоқ туманларида (Тайлоқ, Пахтачи ва бошқалар) хиссасига тўғри келади. Табиий ўсишнинг ўртача гуруҳига Оқдарё, Булунғур, Қўшработ, Нарпай ва Нуробод киради. Бу ерда қишлоқ аҳолисининг 26,4%и тўғри келади. Қишлоқ туманларида табиий ўсишнинг энг юқори кўрсаткичи билан эса Ургут тумани ажралиб туради, бу ерда табиий ўсиш 27,5<sup>0</sup>/<sub>00</sub> га тенг, энг паст табиий ўсиш эса Самарқанд

туманида бўлиб,  $18,5\%$  ни ташкил этади. Самарқанд вилояти қишлоқ туманларида табиий ўсиш ўртача  $23,1\%$  ҳисобланади.

Маълумки, аҳолининг табиий ўсишида биринчи навбатда аҳоли туғилиши даражаси, шунингдек аҳолининг ўлим даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Аҳолининг туғилиш даражаси 2020 йил маълумотига кўра вилоятда  $24,7\%$ , ўлим даражаси эса,  $4,4\%$  га тенг. Бу кўрсаткич шаҳар аҳоли пунктларида ўртача туғилиш  $19,7\%$ , ўлим  $3,9\%$  ни ташкил этади. Вилоят шаҳарлари ичида энг юқори туғилиш даражаси Пайариқ шаҳрида бўлиб,  $42,6\%$ , ўлим  $5,5\%$ , шу билан бирга туғилишнинг юқорилиги билан Ургут  $29,9\%$ , Жомбой  $26\%$  кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Шаҳарлар ичида туғилишнинг паст даражасига Нуробод, Оқтош ва Самарқанд шаҳарлари киради, бу ерда туғилиш ўртача  $18\%$  га тенг, ўлим даражасининг энг юқори кўрсаткичига Булунғур шаҳри киради ва  $6\%$  ни ташкил этади.

1-жадвал

**Самарқанд вилояти шаҳарлари аҳолисининг табиий ўсиши  
(промилле ҳисобида)**

<b>Шаҳарлар номи</b>	<b>1979</b>	<b>1989</b>	<b>1994</b>	<b>2020</b>
Шаҳар аҳолиси	16,6	20,2	21,1	15,8
Шаҳарлар:				
Самарқанд	11,7	14,9	14,9	13,3
Каттакўрғон	22,7	24,9	25,7	18,8
Булунғур	28,7	20,6	27,3	16,1
Жомбой	24,2	21,2	21,6	20,8
Иштихон	7,7	32,6	32,3	19,6
Оқтош	20,7	15,0	23,0	13,7
Пайариқ	-	-	-	37,1
Челак	22,0	28,5	34,1	14,9
Жума	28,2	22,7	22,9	15,7



Самарқанд вилояти қишлоқ туманларида аҳолининг туғилиш даражаси ўртача 27,8<sup>0</sup>/<sub>00</sub>. Туманлар ичида туғилишнинг энг юқори даражаси Ургутда 32,3<sup>0</sup>/<sub>00</sub> бўлиб, ўлим 4,8<sup>0</sup>/<sub>00</sub> га тенг. Пайариқ, Пастдарғом, Иштихон ва Жомбой туманларида ҳам туғилиш юқори ҳисобланади. Туғилиш даражасининг пастлиги билан Самарқанд, Каттақўрғон, Пахтачи ажралиб туради, бу туманларда туғилиш ўртача 25<sup>0</sup>/<sub>00</sub> ни ташкил қилади.

1-жадвалда вилоят шаҳарлари аҳолисининг табиий ўсиши 1979, 1989, 1994, 2020 йиллар маълумотлари асосида тузилган. Бу йиллар мобайнида вилоят шаҳар аҳолиси бўйича ҳам шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши бўйича ҳам ўзгаришлар мавжуд. Вилоят шаҳарларида 1979 йилда аҳоли табиий ўсиши нисбатан паст бўлган ва ўртача 16,6<sup>0</sup>/<sub>00</sub> ни ташкил этган. Бу йили фақатгина Ургут, Жума ва Булунғурда нисбатан юқори бўлиб, ўртача 27<sup>0</sup>/<sub>00</sub> га тенг бўлган, 1989, 1994 йилларда вилоят шаҳарларида табиий ўсиш 1979 йилга нисбатан анча ўсган. Шаҳар аҳолиси ўртача бу йилларда табиий ўсиш 20<sup>0</sup>/<sub>00</sub> - 21<sup>0</sup>/<sub>00</sub> ни ташкил этган. Нуробод ва Самарқанд шаҳарлардан ташқари қолган шаҳарларнинг ҳаммасида табиий ўсиш юқори бўлган. 2020 йилга келиб эса аҳолининг табиий ўсиши шаҳарларда яна пасайиб кетди. (2-жадвалга қаранг). Бу йилда фақатгина Пайариқ ва Ургут шаҳарларида табиий ўсиш юқори бўлди.

2-жадвал

**Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолисининг табиий ўсиши (<sup>0</sup>/<sub>00</sub> ҳисобида).**

Туманлар номи	1979 йил	1989 йил	1994 йил	2020 йил
Оқдарё	32,0	41,7	37,2	23,4
Булунғур	34,7	43,6	39,5	23,9
Жомбой	32,1	38,6	34,5	24,2
Иштихон	34,2	48,6	36,6	25,4
Каттақўрғон	38,2	32,8	34,5	20,7
Қўшрабат	30,8	17,3	38,7	22,8

Нарпай	36,2	28,7	32,9	22,6
Нуробод	11,9	17,6	15,6	22,2
Пайариқ	31,8	41,3	50,7	24,8
Пастдарғом	36,0	36,5	34,5	24,3
Пахтачи	33,1	35,2	32,6	19,5
Самарқанд	28,4	32,4	39,0	18,5
Тайлоқ	-	29,3	38,1	21,1
Ургут	38,4	39,4	40,7	27,5
Қишлоқ аҳолиси	39,1	35,2	36,6	23,1
Вилоят аҳолиси	27,2	27,4	29,2	20,3

*Жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

2-жадвалда кўрсатилганидек, Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолисининг табиий ўсиши 1979 йилга нисбатан 1989, 1994 йилларда анча ўсган. Бу йиллар давомида Ургут, Пайариқ ва Пастдарғом туманларида табиий ўсиш юқори бўлган ва ўртача 40% ни ташкил этган. Табиий ўсишнинг паст кўрсаткичлари билан Нуробод тумани ажралиб туради. 2020 йилга келиб, вилоят туманлари қишлоқ аҳолисининг табиий ўсиши кўрсатилган 1979, 1989, 1994 йилларга нисбатан анча пасайган. Табиий ўсиш фақатгина Ургут туманларида 27<sup>0</sup>/<sub>00</sub>, Иштихонда 25<sup>0</sup>/<sub>00</sub>, қолган ҳамма туманларда 19, 22, 24<sup>0</sup>/<sub>00</sub> га тенг бўлган. Умуман, вилоят қишлоқ аҳолисининг табиий ўсиши 1979, 1989, 1994 йилларда ўртача 28<sup>0</sup>/<sub>00</sub> га, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 20,3<sup>0</sup>/<sub>00</sub> ни ташкил этади [8].

Ўрганишлар шундан далолат берадики, бутун вилоят шаҳарлари ва туманлари бўйича аҳоли ўртасида ўлим даражаси йилдан-йилга пасайиб борган. Масалан, 1979 йилда вилоятда ўлим даражаси 6,6<sup>0</sup>/<sub>00</sub>, 1989 йилда 5,7<sup>0</sup>/<sub>00</sub>, 1994 йилда 5,5<sup>0</sup>/<sub>00</sub>, 2020 йилда 4,4<sup>0</sup>/<sub>00</sub> ни ташкил этган. Шаҳарлар ичида

ўлим даражаси Пайариқ, Булунғур, Жумада юқориқоқ, Иштихон, Оқтош ва Нурубодда эса пастроқ. Туманлар миқёсида Пайариқ, Пастдарғом ва Пахтачида ўлим даражаси юқори, Нурубод, Каттакўрғон ва Булунғурда ўлим даражаси нисбатан паст ҳисобланади.

Вилоят аҳолиси сонининг ўсишига фақатгина аҳолининг туғилиши ва табиий ўсиши таъсир этмасдан балки, аҳолининг механик ҳаракати, яшаш жойини ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Аҳоли миграцияси бу ижтимоий жараён бўлиб, у ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши ва аҳоли сонининг ўсиши билан бевосита боғлиқ. Миграция аҳолининг жойлашуви ва унинг ҳудудий таркибига катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, аҳоли миграцияси асосий географик жараён ҳисобланиб, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шароитида ички тафовутларни ифодалайди. Миграция ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва аҳоли жойлашуви ўртасидаги муносабатларга қулай шароит яратишга катта таъсир кўрсатади.

Самарқанд вилояти ўзига хос хусусиятга эга бўлган демографик ҳудуд ҳисобланади. Юқорида айтилгандек, вилоят аҳоли сонининг ўсиши асосан табиий ўсишнинг юқорилиги билан белгиланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 1979-1993 йилларда келувчилар сонига нисбатан кетувчилар сони кўп бўлган. Вилоятда 1991-2004 йиллар мобайнида кўчиб кетганлар сони кўчиб келганларга нисбатан 90% дан юқори бўлган. 2005-2011 йилларда эса кўчиб келганлар сони пасайиб, кўчиб кетганлар сони 40% дан ошди. Охириги 20-30 йил давомида аҳоли миграцияси вилоят аҳолисининг умумий сонига жиддий таъсир кўрсатган. Масалан, 1991 йил вилоятда 27,8 минг киши, 1992 йилда 20,6 минг киши келган бўлса, шу йилларда кетганлар сони 36,5 ва 32,7 минг кишини ташкил этган. 2010-2011 йилларда эса келганлар сони ўртача 12,6 минг кишини, кетганлар сони ўртача 16,1 минг кишига тенг бўлган. Кўриниб турибдики, 1991-1992 йилларга қараганда 2010-2011 йилларда келувчилар сони камайиб кетган.

**Самарқанд вилояти аҳолисининг миграция интенсивлиги (‰ ҳисобида).**

Туманлар номи	1979		1991		2020	
	келганла р	кетганла р	келганла р	кетганла р	келганла р	кетганла р
Самарқанд вилоятда	6,0	7,3	9,5	11,6	3,0	4,0
Самарқанд ш.	23,0	24,8	21,0	33,7	4,5	6,8
Каттакўрғон ш.	34,5	39,0	27,9	41,5	6,1	7,8
<u>Туманлар:</u>						
Оқдарё	7,0	12,6	14,4	15,2	4,6	3,7
Булунғур	10,0	12,4	6,2	9,2	4,8	5,3
Жомбой	0,1	0,2	20,3	20,7	4,4	3,5
Иштихон	0,1	0,4	3,8	6,5	3,1	4,5
Каттакўрғон	8,2	10,5	8,9	7,8	3,6	3,9
Қўшрабат	1,0	1,7	4,3	6,4	4,8	4,5
Нарпай	2,7	0,4	9,3	7,2	2,9	3,1
Нуробод	5,1	2,9	8,2	10,2	0,4	2,7
Пайарик	0,7	1,1	4,3	6,3	0,2	4,8
Пастдарғом	2,3	6,1	10,0	9,5	1,3	2,2
Пахтачи	0,2	3,2	4,6	4,9	2,1	6,1
Самарқанд	1,8	1,7	4,8	5,0	4,0	4,6
Тайлоқ	-	-	-	-	3,8	2,3
Ургут	0,4	1,0	3,4	3,6	0,9	1,6

Жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

3-жадвалда Самарқанд вилояти аҳолисининг миграция интенсивлиги советлар даври, мустақилликнинг дастлабки йиллари ва ҳозирги вақтда

келганлар ва кетганлар промилле ҳисобида кўриб чиқилган. Тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, 1979 йилда Самарқанд вилояти ва туманларида аҳоли миграцияси кўрсаткичлари юқори эмас, биргина Самарқанд ва Каттақўрғонда миграцион тебраниш бошқа туманларга нисбатан юқори бўлган. 1991 йилга келиб, вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида механик ҳаракат кучайган. Масалан, Самарқанд вилоятида келганлар  $9,5^{0/00}$ , кетганлар  $11,6^{0/00}$ , Самарқанд шаҳрида  $21^{0/00}$  ва  $33,7^{0/00}$  ни ташкил этади. Туманлар ичида келганлар салмоғи Жомбой, Оқдарё ва Пастдарғомда нисбатан юқори бўлиб, Иштихон ва Ургут туманларида бу кўрсаткич анча паст бўлган. Бу йили қайси туманларда келганлар салмоғи юқори бўлса, кетганлар салмоғи ҳам шу туманларда юқоридир. 2020 йилга келиб, бутун вилоятимиз шаҳар ва туманларида аҳоли механик ҳаракати интенсивлиги, олдинги йилларга қараганда анча пасайган.

Шундай қилиб, 3-жадвал таҳлили шундан далолат берадики, 1979, 1991, 2020 йиллар давомида бутун вилоятимиз ҳудудида бўлган аҳоли миграция сальдоси манфий бўлган. Аҳолининг механик ҳаракатини ўрганишда миллатлар бўйича ҳам бу жараённи таҳлил қилиш муҳимдир. Ҳисоб-китобларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, аҳоли миграциясида асосан туб жой аҳолиси қатнашади. Вилоятимиз аҳоли миграциясида асосан ўзбеклар фаол қатнашади. Масалан, 1995 йилда 7,1 минг киши келган бўлса, шундан 5 минг киши ўзбеклардир, кетганларнинг ҳам асосий қисмини ўзбеклар ташкил этади. 2020 йил маълумоти бўйича ҳам аҳолининг механик ҳаракати асосан ўзбеклар ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги вақтда вилоятимиз аҳолиси фақатгина ички миграцияга қатнашмасдан, балки ташқи миграцияга ҳам фаол қатнашади. Республикамиздан мустақиллик йилларининг бошларида руслар, татарлар, тожиклар, озарбайжонлар ва бошқа миллат вакиллари ташқи миграцияда фаол иштирок этган [9].

Ўзбекистон аҳоли миграциясида Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятлари аҳолиси 1991-2020 йиллар давомида нисбатан фаол қатнашган. Масалан, 1991 йилда Тошкент вилоятида 56,7 минг киши, Фарғона 40 минг,

Самарқандда 28 минг киши келган, 2013 йилда эса, бу кўрсаткич Тошкентда 18 минг, Самарқанд ва Фарғонада 13 минг кишини ташкил этади. Кетганлар сони бўйича ҳам шу вилоятлар олдинги ўринларни эгаллайди. Ўзбекистонда жумладан Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 1991-2013 йиллар давомида миграция сальдоси манфий бўлган.

Самарқанд вилояти аҳолисининг табиий ва механик ўсишини ўрганишдан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- Самарқанд вилоятида аҳоли сони йилдан йилга туғилиш ва табиий ўсиш туфайли ошиб бормоқда;

- Самарқанд вилоятининг Пастдарғом, Иштихон, Оқдарё, Ургут ва Қўшрабат туманларида аҳолининг ўсиши юқори ҳисобланади;

- Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Пахтачи, Нурюод ва Тайлоқ туманларида аҳолининг ўсиши нисбатан пастдир;

- Самарқанд вилоятида аҳоли миграция сальдоси доимо манфий кўрсаткичга ега бўлиб келмоқда;

- Самарқанд вилояти аҳолиси тез суръатларда ўсишини ҳисобга олиб, аҳолини ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини оширишни ва ташкил этишни такомиллаштириш;

- Самарқанд вилояти аҳолисини иш билан таъминлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш ва х.к.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Асанов Г.Р. Аҳоли географияси. – Т.: Ўқитувчи. 1978. - 222 б.
2. David Yaukey, Douglas L. Anderton, Jennifer Hickey Lundquist. Demography: The Study of Human Population. Waveland Press, 2007. 280 p.
3. David Yaukey. Demography, the Study of Human Population. Waveland Press, 1990. 352 б.
4. Dudley L., Poston Jr. Demography. – Cambridge University. Press, 2010. 442 p.

5. Moazzam Ali. Principles of Population & Demography. Department of Reproductive Health and Research World Health Organization October 10, 2011. 180 p.
6. Кадиров М.А. Аҳоли географияси демография асослари билан. – Т., 2019. 320 б.
7. Кадиров М.А. География городов. – Т.,2019. 183 с.
8. Кадиров М.А. Демография – Т.,2019. 312 с.
9. Kadirov M.A. Growth of Population and Problems of the Samarkand Region of the Republic of Uzbekistan. - The Mattingley Publishing Co., Inc. January-February 2020 USA. – ISSN: 0193-4120 Page No. 15949-15954
10. Kadirov M.A. Samarkand Agglomeration and Regional Types of Settlement of the Samarkand Region. - International Journal of Advanced Science and Technology. Australia. Vol.29, No. 9s, (2020), pp. 4125-4131
11. Копылов В.А. География населения. 2-е изд., переруб. и доп. – М., 2005. – 164 с.
12. Народонаселение мира. Отчет фонда ООН в области народонаселения. - Нью-Йорк, 1998. 92 с.